АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ АЁЛЛАР!

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
8 март
ЖУМА

№ 19
(12.551)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмуни ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз, аёл зотини Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйлайманки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар!

Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб қадриятларини амалда намоён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-эътибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама равнақ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳамиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орасталик, рўзғорни, умуман, оила ҳаётини оқилона бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда – ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, "Соғлом она – соғлом бола" сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол – мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қилаётган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги тураржойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлади. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6 триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-барака аримасин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.**

# ЮРТ МЕҲРИДАН ЧИРОЙ ОЛГАНЛАР

***Мамлакатимиз бўйлаб кенг қулоч ёйган 8 март – Хотин-қизлар куни шодиёналари давом этмоқда. Вилоят ҳокимлигининг Бўка тумани "Райҳон" ресторанида ўтказган "Ҳаётимиз чироғи, чароғбони Аёллар" деб номланган байрам дастури қувончли лаҳзаларга бой бўлди. Унда вилоят ҳокимлиги вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар иштирок этди. Тадбирни вилоят ҳокими Рустам Холматов аёлларга аталган дил сўзлари билан очиб берди.***



– Ҳаётимиз мазмуни, оиламиз фаришталари, жамиятимизнинг гули бўлган азиз Аёллар, – деди у. – Мустақил Ўзбекистонимизнинг ардоқли онахонлари, опа-сингиллар! Халқимизнинг сиздек фидойи инсонларга бўлган меҳри, ҳурмат-эҳтироми беқиёс. Сизлар билан турмушимиз обод, кўнглимиз шод. Ватанимиз, фарзандларимиз, оилангиз бахтига соғ-омон бўлинг.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир айтганидек, "Аёлни аёл қилган эл бахш этган саодат"дир. Байрамда санъаткорлар, вилоятимизнинг хонанда-созандалари, бадиий жамоаларнинг чиқишлари, фахрий ёрлиқ, совғалар аёлларимизга беқиёс шодлик, кўтаринки кайфият бахш этди.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## 2013 йил – Обод турмуш йили

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида жамиятимизда хотин-қизларнинг мавқеини ошириш, интеллектуал ва маънавий ривожланиши, билим олиши ҳамда зарур касбларни эгаллаши, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида оилалар фаровонлигини, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш, мамлакатимизда барқарорлик, тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ушбу жараённи кенгайтиришга доир муҳим вазифалар белгиланган.

Давлат дастурининг еттинчи бўлимида оилани янада мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда хотин-қизларнинг роли ҳамда мавқеини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларидаги фаолиятини муносиб рағбатлантириш, уларга ўзини намоён этиши ва уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари кўзда тутилган.

Жамиятимизда аҳиллик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол ёш авлодни тарбиялашда оиланинг ўрни беқиёсдир. Шу сабабли мамлакатимизда ушбу муҳим институтни мустаҳкамлаш, бунинг учун зарур шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013 йилда "Ёш оилалар учун тураржой" дастурини амалга ошириш давом эттирилади. Ҳудудларда банклар томонидан кўп қаватли тураржойларни қуриш учун кредит маблағлари, ёш оилаларга эса ушбу тураржойларни сотиб олиш учун ипотека кредитларини ажратиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аҳолига ипотека кредитларини ажратиш янада кенгаяди.

Давлат дастурида хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлашга доир комплекс чора-тадбирлар ҳам белгиланган. Масалан, асосан хотин-қизлар ишлайдиган ва раҳбарлик қиладиган кичик корхоналарга имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Шунингдек, сут ҳамда сут маҳсулотларини қайта ишлаш ускуналарини харид қилиш учун ҳам имтиёзли кредитлар ажратилади ва бу оилавий бизнесни ривожлантириш учун катта рағбат бўлади. Тадбиркор хотин-қизлар бошланғич капиталини тўлдириш учун, фермер хотин-қизлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий ўқув юртларининг, айниқса, қишлоқ жойларда ўз ишини бошлаш истагидаги битирувчи қизлар ҳам имтиёзли кредитлар олиши мумкин. Бундан ташқари, маҳаллаларда аҳолини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш учун спорт-соғломлаштириш залларини ташкил этишда ҳам шундай молиявий ёрдам бериш кўзда тутилган. Тижорат банклари мутахассислари билан ҳамкорликда имтиёзли кредитлар олиш тартиби ва шартлари, улардан самарали фойдаланиш механизмлари ҳақида кенг тушунтириш ишлари олиб борилади.

(Давоми 2-бетда).

# ҲАР КИМ ЎЗ ВАТАНИДА БАХТИЁР БЎЛСИН!

**Ер юзида ҳаёт пайдо бўлибдики, инсоният ўз оиласи, ўз ҳудуди, ўз Ватани тақдири учун курашади, дунёқарашлар, ҳаёт тарзи, эл-элатлараро муносабатлари давр ва замон нуқтаи назаридан ўзгариб, янгиланиб бораверади... Бироқ, бу дунёда ҳеч қачон ўзгармайдиган, ҳеч қачон эскирмайдиган, керак бўлса, дунёни янгилашга қодир улуғ бир мўъжиза бор, бу – Аёл сиймоси, унинг оила, фарзанд ва Ватан олдидаги буюк Оналик қисмати!..**

Азал-азалдан ўзбек аёлининг ҳусну малоҳатига, вафою садоқатига, ақлу камолига, журъату мардлигига жуда кўп таъриф-тавсифлар битилган. Дарҳақиқат, жаҳон маданияти ва маънавияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Қошғарий, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур каби юзлаб алломаи замонларни дунёга келтириб, тарбиялаб берган ҳам бизнинг заминимизда камолга етган аёллардир!



Биз – Тўмарисдек шавкатли ҳукмдорлар, Сарой Мулкхонимдек оқила маслаҳатгўй сиёсатдонлар, Нодирабегимдек адиб ва давлат арboблари, Гулбаданбегим, Зебуннисобегим, Жаҳон отин Увайсий, Самарбону, Нозимахоним, Анбар отин, Дилшод отин, Зулфия, Саида Зуннунова, Ойдин Собирова каби забардаст шоираю фозила аждодларимизнинг авлодларимиз. Юртимизда нафақат аёлларнинг турмушини енгиллаштиришга, балки уларнинг иқтидори ва истеъдодини қўллаб-қувватлашга, меҳнатларини рағбатлантиришга, сиёсий майдондаги ўрни ва мавқеини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Олима аёллар, ижодкор аёллар, сиёсатшунос аёллар, тадбиркор аёллар, депутат аёллар... Буларни бармоқ билан санаб адоғига етиш мушкул. Бундай ишонч, эътибор ва ғамхўрлик биз аёлларнинг қалбини фахру ифтихор, шукроналик туйғуларига ошно қилаётгани, умримизни узайтириб, ёшимизни яшартираётгани айни ҳақиқат эмасми?!

Муҳтарам Президентимиз маърузаларидан бирида "Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади" деган фикрни айтган эдилар. Ўзбекистонда аёллар қадр-қимматини жойига қўйиш, ҳатто давлатни бошқаришда уларнинг иштирокига катта ўрин бериш ҳамма давлатларда ҳам учрайвермайдиган ноёб ҳолатдир.

(Давоми 2-бетда).

# СИЗЛАРНИ ОФТОБГА АЛИШМАЙМАН...

**Аёл – ҳаёт рамзи, гўзаллик маъбудаси ва олам безаги. Аёл уммондек азим ва ҳаётдек мангу зот. Унинг қошида бутун олам аҳли эҳтиром ила таъзим қилса арзийди. Ақл-заковатда беқиёс, фозила, оқила ва зукко, зийрак ва тадбиркор аёллар жамиятимизнинг энг мустаҳкам устунларидан бири.**

Жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида аёлларга ҳурмат, эътибор ва эъзоз бизнинг ватанимиздагидек эмас.

"Оқила, гўзал аёллар ўзларининг ғамхўрлиги, меҳрибонлиги, қалби дарёлиги билан оиладаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик, самимият ва адолат муҳитини сақлаб турадилар" (Ислом Каримов).

(Давоми 4-бетда).

# ҲАР КИМ ЎЗ ВАТАНИДА БАХТИЁР БЎЛСИН!

Баъзан қатор мамлакатларда нотинчлик туфайли беҳуда қон тўкилаётганини, табиий офатлар одамларнинг ҳаётига, тинчлик-хотиржамлигига хавф солаётганини, оналар ва болалар очлик, касалликдан ҳалок бўлаётганини телекўрсатувлар, газета хабарлари орқали кузатганимизда шундай жаннатмакон юртда туғилганимиздан фахрланиб кетамиз. Аммо бугунги шитоб билан ўзгариб бораётган замонда фахрланиш туйғуси билангина кифояланиб қолиш мумкин эмас. Юртимизда рўй бераётган муҳим ўзгаришларни, тарихий янгиланишларни келгуси авлодларга бор бўй-басти билан етказиб беришда бизнинг зиммамиздаги масъулият ҳар қачонгидан ҳам каттадир.

Бугун кўплаб давлатларни танг аҳволга солиб қўяётган иқтисодий инқироздан катта талафотларсиз ўтаётганимиз, фаровонлик ва тўкин-сочинлик, бағрибутунлик, тинчлик-осойишталик аввало, юртимизда олиб борилаётган тўғри сиёсат ва халқимизнинг сабру қаноати, яратувчанлиги туфайлидир. Ўз гўдагини асраб-авайлаб, бағрига қаттиқ босиб улғайтираётган ота-она каби, ўз Мустақиллигини кўз қорачиғидек эҳтиёт қилаётган эл неча аср, неча авлодлар оша эришган Ҳурлигини ҳеч қачон хавф остига қўймайди. Буни ишонч билан айтишга асосларимиз етарли. Бундан йигирма бир йил муқаддам дунёга келган болажонларни янги давр ва янги давлат эгалари қилиб тарбиялаш, соғлом ва баркамол инсонлар қилиб улғайтириш энг аввало, биз аёлларнинг, Оналарнинг зиммасига ишониб топширилган эди. Бугун ўша гўдаклар балоғатга етдилар. Уларнинг ўзгача ғайрат-шижоати, фикри-зикри, дунё сари интилиши, эришаётган муваффақиятлари кўпчиликни ҳайратга солаётгани бежиз эмас. Мана шу қайноқ қалбли ёшларимизни ёт таъсирлардан ҳимоя қилиш, юрт тақдири ва келажаги учун масъуллик туйғусини уларнинг онгига чуқур сингдириб бориш бугунги куннинг энг муҳим вазифаси эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Аёлнинг меҳру муҳаббати, иродаси, ёруғ орзу-умидлар учун ҳаётини бахш эта олиши унинг мислсиз куч-қудрат эгаси эканидан далолатдир.

Хўш, ўзгаларнинг бахти учун керак бўлса, ўз бахтидан кеча оладиган, фарзандларининг камоли учун ҳатто дунёни пиёда кезиб чиқишга тайёр турган, Ватан тинчлиги ва ободлигини ўткинчи ҳою ҳаваслардан устун қўя оладиган бу мўътабар зот қачон ўзини бахтиёр ҳис этади?! Албатта, ёнидаги суянчиғи омон бўлса, дастурхонидан қут-барака аримаса, қўни-қўшниси, маҳалла-кўй билан аҳилликда кун кечирса, фарзандлари Ватан корига яраётганидан ғururланса ва ўзи хуш кўрган "шукр!" деган сўзни айтаверса... айтаверса...

Минг бор шукр, биз ўз юртида қадру камол, ишончу эътибор, иззату эъзоз топаётган чинакам бахт соҳибаларимиз. Нафақат байраму шодиёналарни, балки ўтаётган ҳар бир кунимизни юзимизда табассум, қалбимизда ғурур-ифтихор ва янги орзу-умидлар билан қарши олиш имкониятини яратиб берган Ватанда яшаётганимизнинг ўзи ҳам бизнинг буюк саодатимиздир!

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Зарифа ЭРАЛИЕВА.**

2013 йил – Обод турмуш йили

# МАМЛАКАТИМИЗНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ЖАРАЁНИДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ИШТИРОКИ КЕНГАЙМОҚДА

"Оила фаровонлигини янада ошириш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш" лойиҳаси ҳам ушбу соҳани ривожлантиришга йўналтирилган. Уни амалга ошириш давомида 5 минг нафарга яқин фермер аёл ва тадбиркорга имтиёзли микрокредитлар ажратиш билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари билан ҳамкорликда 6 минг нафар хотин-қизнинг бизнес кўникмалари ҳамда молиявий саводхонлигини ошириш бўйича туркум тренинглар ташкил қилиш режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг қатор туманларида хотин-қизлар учун мақсадли таълим дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган. Бундай машғулотлар пайтида улар иқтисодий билимини ошириб, бизнес-режалар ишлаб чиқишни ўрганади. Шу билан бирга, оила бюджетини шакллантириш ва тадбиркорлик фаолияти кўникмаларини эгаллаш бўйича "Ўз оилавий келажагингни режалаштир" мавзуида тренинглар ташкил этилади. Оилавий бизнесни йўлга қўйиш, фарзандлари бор ёш аёлларни 12 турдаги касб-ҳунарга ўқитиш бўйича ҳам тренинглар ўтказиш режалаштирилган.

Ушбу барча лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, авваламбор, қишлоқларда яшаётган хотин-қизларда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлат дастурига мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг ўзимизда ишлаб чиқарилган ва узоқ муддат фойдаланиладиган маиший техника ҳамда товарларни харид қилиши учун истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 марта кўпайтириш кўзда тутилган. Бу эса оилалар фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш, жумладан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштириш, кундалик ҳаётини тўғри ташкил этишга ёрдам беради.

Бундан ташқари, ёш оилаларнинг оёққа туриб олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш доирасида жорий йилда ижтимоий ёрдамга муҳтож турмуш қураётган ёшларга никоҳ тўйларини ўтказиш ва турмуш шароитларини яхшилашда ҳомийлик ёрдамини кўрсатиш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари хотин-қизларнинг ижодий ва ишбилармонлик салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, ижтимоий фаоллигини ошириш ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу мукофотга ўқиш, ижодий ва ижтимоий ҳаётда улкан муваффақиятларга эришаётган қизлар сазовор бўлмоқда.

Давлат дастурида иқтидорли ва фаол хотин-қизларни аниқлаш ҳамда рағбатлантириш, уларнинг серқирра қобилиятини янада кенг рўёбга чиқариш учун қатор тадбирлар режалаштирилган. Бу борада анъанага айланган "Йил аёли" миллий танлови, Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари республика форуми ўтказилади, уларнинг шеърий тўпламлари чоп этилади. Иқтидорли ёш олима хотин-қизлар ва илмий тадқиқотчилар ўртасида "Илм юлдузлари" танловини ташкил этиш режалаштирилган.

Мамлакатимизда юксак маънавиятли, ўз саломатлиги учун масъулиятли баркамол ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу муносабат билан жорий йилда болалар, ўсмирлар ва уларнинг ота-оналари ўртасида тиббий маданият, соғлом турмуш тарзига риоя қилиш, экологик тарбия, оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари бўйича тушунтириш ишлари кучайтирилади. Ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида "Ораста қизлар" тўгараклари фаолияти кенгайтирилади. Энг яхши натижа кўрсатган қизлар шу номдаги республика танловида қатнашади.

Давлат дастурида хотин-қизлар ўртасида спортни янада оммалаштириш вазифалари ҳам белгиланган. Масалан, жорий йилда 189 минг нафар қизга уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига кенг жалб қилиш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида спорт кийимлари ва анжомлари бепул тақдим этилади.

Ушбу барча чора-тадбирлар истиқлол йилларида жамиятимизда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини ошириш, салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш борасида амалга ошириб келинаётган комплекс ишларнинг мантиқий давомидир. "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимиз ривожланиши, барча жабҳаларни модернизация қилиш ҳамда янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларга муносиб турмуш шароити яратиш, ҳар бир оилада фаровонлик ва умуман, юртимиз равнақини юксалтириш бўйича яратилган механизм самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**ЎзА.**

Дил изҳори

# МЕН ДАВР ҚИЗИМАН

**Инсон руҳий-маънавий эҳтиёжи боис эркинлик ва адолатга, меҳр-мурувват ва камолотга интилади. Бундай орзу-умидлар бесамар кетган вақтлар ҳам бўлган ҳаётимизда. Лекин, мустақиллик йиллари менга руҳий қониқиш билан ишлашим учун йўл очиб берди дея баралла айта оламан. Тилшунос, олима, педагог сифатида миллий-маънавий қадриятларимиз қайта тикланиб, қадр топа бошлагани менга қанот бағишлади.**

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китоби менинг доимий ҳамроҳим. Миллий маънавиятимизнинг асосини акс эттирувчи бош омил – она тилимиз ва адабиётимизга ҳурмат туйғуси истиқлол йилларида мустаҳкамланди. Айниқса, умрини илм-фанга бағишлаган мен каби аёлларга бахт кулиб боқди. Энди ўқитувчи сифатида ўқувчиларимга, устоз сифатида шогирдларимга миллий ўзлигимиз, маънавий қадриятларимиз, ўзбек тилимизнинг бой имкониятлари ҳақида ғурур билан, очиқ, ошкора сўзлай оламан.

Олима аёлларга берилган имконият, яратилган шароитлар туфайли севган соҳам бўйича илмий ишларимни якунига етказдим. Педагогика фанлари номзоди, доцент унвонларига сазовор бўлдим. Халқ таълими аълочисиман. Энди, "Адабий таълим тизимида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг илмий-методик асослари" мавзуидаги докторлик диссертацияси устида иш олиб боряпман. 70 га яқин илмий мақола, 10 дан ортиқ услубий тавсия, 20 га яқин қўлланмалар муаллифиман. Айни пайтда вилоят педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида маънавий-маърифий ва илмий ишлар бўйича проректорман. Шунингдек, бир бахтли оиланинг бекаси, фарзандларимнинг ғамхўр онасиман. Бу ишлар мен учун ҳеч қачон малол келмайди. Чунки, мени Аёл сифатида ҳурматимни жойига қўядиган, қўллаб-қувватлайдиган Мустақил Ўзбекистоним, меҳр-оқибатли умр йўлдошим, фарзандларим бор.

Обод турмуш йилини кўтаринки кайфиятда кутиб олдим. Унинг илк баҳорий кунлари ҳам қувончу шодликларга бой келди. 8 март – Хотин-қизлар байрамига катта эътибор берилаётгани, олима аёллар шарафига чиройли тадбирлар уюштирилаётгани янада жўшқинлик билан ишлашга ундайди. Мустаҳкам оила йилида "Йилнинг энг яхши маънавий тарғиботчиси" дея вилоятимиз, ҳатто республика миқёсида ғолиб бўлганим ҳаётимдаги энг қувончли лаҳзаларни туҳфа этди. Обод турмуш йилида эса, ҳаётимиз, юртимиз, кўнгиллар ободлиги учун хизмат қилиш Ватан олдидаги муқаддас бурчимдир...

**Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.**

**Вилоят қишлоқ хўжалик аграр университетида оналик ва боликни муҳофаза қилиш доирасида "Мустақил ҳаёт масъулияти" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

# БЎЛҒУСИ ОНАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Университет хотин-қизлар қўмитаси, маънавият-тарғибот маркази ҳамкорлигида уюштирилган суҳбатга ўқитувчи ва талабалар, Тошкент иссиқлик энергияси станцияси шифокорлари таклиф этилди. Ёшлар, айниқса, қизлар учун зарур маслаҳатлар берган соҳа мутахассислари тадбир якунида тингловчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

**Саида РАҲМОНҚУЛОВА.**

# БАҲОР НАФОСАТИ

**Вилоятимизнинг ҳар бир гўшасида илк баҳорий байрам 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни кенг нишонланмоқда. Шундай ажойиб байрам тадбири Янгийўл туманида ҳам тантанали тарзда бўлиб ўтди. Тадбирга туманнинг ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фан, санъат, халқ таълими, соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари, фермеру ҳунарманд аёллари таклиф этилди.**





Байрам шодиёнасига ташриф буюрган онахонлар, опа-сингиллар ўзларига кўрсатилаётган ҳурмату эҳтиромдан гулдек очилиб, кўнгиллари тоғдек кўтарилди. Барча соҳада илғор, фаол аёлларимизнинг хайрли ишлари муносиб баҳоланиб, улар шаънига таҳсинлар айтилди.

Тадбир қатнашчиларини ҳокимлик вакиллари байрам билан қутлашди. Куй-қўшиқларга уланиб кетган байрам тадбири барчага яхши кайфият бағишлади.

Шундай тантанали тадбир туман халқ таълими бўлимида ҳам бўлиб ўтди.

**Еркебой БОТИРОВ,**
**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Огоҳлик

# ЁМОН КЎЗЛАРДАН ЭҲТИЁТ ШАРТ

**Тинч ва обод элга байрамлар ярашади дейишади. Йилдан-йилга қадди-басти юксакларга бўйлаётган мустақил Ўзбекистонимизда халқимизнинг эзгу тилакларига эш халқчил анъаналар, шоду хуррамлик билан ўтадиган байрамлар, бисёр. Лекин, бахтли ҳаёт, обод турмушимизга ҳамма ҳавас билан қарайди деб айтолмаймиз.**

Ўз уйида бир бурда нонини ҳам тинчликда еёлмаётган, хунрезлигу жаҳолатга маҳкум одамлар ён-атрофимизда йўқ эмас. Улар доим одамлар орасига қутқу солувчи ёвуз кимсаларнинг кирдикорлари туфайли шу аҳволга тушиб қолишмоқда. Шунинг учун шоду хуррам ўтаётган байрамларимизга маҳлиё бўлиб, огоҳлик, сергакликни қўлдан бой бериб қўймайлик.

Ёт ғояни ташувчи унсурлар доим ёш, навниҳол, содда ўғил-қизларимизни, иродаси суст кишиларни алдаб, тўғри йўлдан тойдирмоқ ниятида пайт пойлашади. Айниқса, мактаб, коллеж ўқувчиларининг бундай таъсирга берилувчанлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун улар орасида тез-тез маънавий-ахлоқий, маърифий мавзуларда суҳбатлар ўтказиш, тушунтириш ишларини сусайтирмаслигимиз керак. Яхши-ёмонни, оқу қорани идрок этиш, ажрата олишлари учун ҳам, болалар ёнида доимо сергак, доно ўқитувчилар, устозлар бўлиши шарт. Мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори юксалаётганини кўролмайдиган ғанимлардан эҳтиёт бўлишни аввало, биз катталар ўрганишимиз керак. Эҳтиёткорлик ҳеч қачон панд бермаган. Бу йўлда нафақат ўқитувчилар, балки ота-она, маҳалла-кўй ҳам масъулдир. Буни унутмайлик.

**Озода АБДУРАҲМОНОВА, ўқитувчи, Қуйи Чирчиқ тумани.**

ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР

KAMOLOT

ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*Азиз ва қадрли опа-сингиллар!*

Сизларни она диёримизда баҳор ва тириклик фаслини, гўзаллик ва тароват айёмини бошлаб келувчи байрамингиз билан қалбимиз тўридаги энг эзгу тилакларимиз, чексиз меҳр ва эҳтиромимиз ила чин дилдан муборакбод этишдан беҳад бахтиёрмиз.

Нурли ва ёруғ чеҳрангиз мисол шу мунаввар ва қувончли дамларда барчангизни қутлуғ айёмингиз билан вилоят ёшлари номидан сидқидилдан муборакбод этамиз.

Хонадонларингизга тинчлик-осудалик, қалбларингизга севинч ва шодликлар ҳамиша, ҳар доим ҳамроҳ бўлсин!

Фарзандларингизнинг бахту иқболини кўришдан асло толиқманг, ҳаёту тирикликнинг барча шодлиги, гулларию гулдасталари Сизга бўлсин!

## ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

**Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи тадбиркорлик субъектларини танлаб олиш бўйича вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2013 йил II чорак учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:**

*1. Маргарин (ГОСТ-240-85)*
*2. Шоколад (ГОСТ-6534-89)*
*3. Конфетлар (ГОСТ-4570-93), (O'zDSt 437:2006) (ГОСТ-6477-93)*
*4. Мураббо (ГОСТ-7061-88)*
*5. Кофе табиий (эрувчан) (ГОСТ-291 48-2003)*
*6. Горчица кукуни (TSH 64-16965647-02:2007) (TSH 64-19660957-01:2007) (TSH 64-19396006-03:2008) (TSH 64-21158662-03:2008)*
*7. Гармдори қора (қизил) (ГОСТ 29045-91), (29053-93)*
*8. Лавр япроғи (ГОСТ 17594-81)*
*9. Уксус эссенцияси (TSH 6.1-00203849-08:2004)*

Танловда мазкур маҳсулотларни етказиб бериш бўйича тажрибага эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ танловларда иштирок этиш ва маҳсулотлар етказиб бериш бўйича фаолияти тақиқланмаган фермер ва деҳқон хўжаликлари, ишлаб чиқариш ва савдо корхоналари иштирок этишлари мумкин.

Ёзма аризаларда қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим: хўжалик субъектининг тўлиқ номи, почта манзили, телефон ва факс рақами, электрон почта манзили, Ф.И.Ш.

Ёзма аризалар ва танлов таклифлари солинган конвертлар қуйидаги манзилга топширилади: Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти. Ёзма аризалар ва муҳрланган конверт 2013 йил 25 март кунидан кечиктирмасдан тақдим қилиниши керак.

Конвертга қуйидаги ҳужжатлар солинган бўлиши лозим:

– маҳсулотлар номи, нархи ва ҳажми кўрсатилган тижорат таклифи;

– гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификатлар;

– лицензия, корхона низоми ва паспорти нусхалари;

– солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги;

– мавжуд ишлаб чиқариш майдони, омбор (музлаткич) тўғрисидаги маълумотномалар.

**Танлов таклифлари солинган конвертларни 2013 йил 26 март куни Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 17-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносида (3-қават) танлов қатнашчилари ёки уларнинг вакиллари иштирокида очиш режалаштирилмоқда.**
**Маълумот учун телефонлар:**
**(8-371) 236-29-10, 233-75-11.**




**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Бошланғич баҳоси – босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Зангиота тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда. № 11381/24-сонли ижро варақасига асосан. 1. Автомобиллар вақтинчалик тўхташ жойи. Бошланғич баҳоси – 540 154 026 сўм. 2. 85-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 63 662 291 сўм. 3. 86-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 58 307 519 сўм. 4. 95-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 58 468 024 сўм. 5. 96-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 60 388 713 сўм. 6. 97-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 59 786 144 сўм. 7. 98-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 59 541 350 сўм. 8. 102-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 49 273 772 сўм. 9. 103-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 43 129 290 сўм. 10. 104-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 42 696 949 сўм. 11. 19-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 33 862 478 сўм. 12. 20-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 622 992 сўм. 13. 27-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 29 755 790 сўм. 14. 29-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 29 924 981 сўм. 15. 35-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 413 753 сўм. 16. 38-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 30 478 070 сўм. 17. 50-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 25 074 040 сўм. 18. 58-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 19 107 078 сўм. 19. 64-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 267 359 сўм. 20. 65-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 178 100 сўм. 21. 66-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 847 544 сўм. 22. 67-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 893 029 сўм. 23. 69-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 23 519 848 сўм. 24. 72-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 6 150 775 сўм. 25. 105-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 59 990 589 сўм. 26. 84-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 24 893 029 сўм. 27. 10-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 11 591 181 сўм. 28. 14-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 14 034 054 сўм. 29. 4-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 11 715 818 сўм. 30. 5-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 11 715 818 сўм. 31. 6-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 11 715 818 сўм. 32. 7-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 11 715 817 сўм. 33. 73-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 6 124 979 сўм. 34. 8-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 11 591 182 сўм. 35. 11-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 11 715 818 сўм. 36. 12-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 11 422 923 сўм. 37. 46-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 191 684 535 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 22 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 38. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11379/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бест плюс сервис" х/к. ҳудудида жойлашган Ошхона биноси. Бошланғич баҳоси – 274 206 550 сўм. 39. Зангиота тумани СИБ томонидан № 11380/24-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Хўжалик Моллари ҳунармандлар бозори" МЧЖ ҳудудида жойлашган 11-қаторда-ги 3-сонли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси – 23 967 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 8 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 8 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 22 апрель куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Лицензия: RR-0052.**

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Зангиота тумани СИБ томонидан: 1. № 407/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "М-2140", д/р. б/н. Бошланғич баҳоси – 1 103 400 сўм. 2. № 5343/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. "М-412 ИЭ", д/р. 11 А 4471. Бошланғич баҳоси – 611 496 сўм. 3. № 12445/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Уаз-2206", д/р. б/н. Бошланғич баҳоси – 1 229 531 сўм. 4. № 40506-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. "Уаз-469", д/р. 11 О 6428. Бошланғич баҳоси – 1 195 200 сўм. 5. № 10/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. "Газ-24", д/р. 10 G 9830. Бошланғич баҳоси – 348 300 сўм. 6. № 2525/12-сонли ижро ҳужжатига асосан "Газ-2401", д/р. У 5982 ТШ. Бошланғич баҳоси – 653 400 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. 7. № 14426-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. "Газ-2401", д/р. 11 Х 0861. Бошланғич баҳоси – 1 152 272 сўм. 8. № 421/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. "М-412", д/р. 10 О 160 АА. Бошланғич баҳоси – 941 044 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Нурафшон Бизнес Савдо" ХСИЧК омборхонасида сақланмоқда. 9. № 18712/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Ваз 2101", д/р. 10 У 3505. Бошланғич баҳоси – 1 396 181 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Бурхон Савдо" МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. 10. № 13797/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. "Газ 2410", д/р. 11 У 3171. Бошланғич баҳоси – 970 665 сўм. 11. № 13798/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. "Москвич-412", д/р. 11 Р 0041. Бошланғич баҳоси – 620 036 сўм. 12. № 13799/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. "Газ 2410", д/р. 10 L 519 АА. Бошланғич баҳоси – 914 926 сўм. 13. № 14351/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. "Уаз-3962", д/р. 11 L 6497. Бошланғич баҳоси – 1 154 290 сўм. 14. № 14358/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. "Москвич-412", д/р. 11 L 9349. Бошланғич баҳоси – 561 733 сўм. 15. № 14361/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. "Москвич-412", д/р. 11 Q 0010. Бошланғич баҳоси – 653 672 сўм. 16. № 847/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. "Уаз-452", д/р. 30 В 5195. Бошланғич баҳоси – 975 194 сўм. 17. № 848/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1970 й. "Уаз-452", д/р. 11 L 0542. Бошланғич баҳоси – 998 814 сўм. 18. № 851/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. "Газ 24", д/р. 11 Х 1806. Бошланғич баҳоси – 1 163 856 сўм. 19. № 858/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1974 й. "Ваз 21011", д/р. 10 О 014 СА. Бошланғич баҳоси – 932 974 сўм. 20. № 865/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. "Москвич-412", д/р. 11 Z 7714. Бошланғич баҳоси – 726 959 сўм. 21. № 871/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Москвич-412", д/р. 11 О 1893. Бошланғич баҳоси – 627 100 сўм. 22. № 4915/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Уаз-452", д/р. б/н. Бошланғич баҳоси – 1 266 929 сўм. 23. № 6618/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1982 й. "Урал-М-67", д/р. б/н. Бошланғич баҳоси – 463 207 сўм. 24. № 856/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Ваз-2106", д/р. б/н. Бошланғич баҳоси – 2 122 200 сўм. 25. № 4153/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Урал-М-67", д/р. б/н. Бошланғич баҳоси – 573 460 сўм. 26. № 4154/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Газ-69", д/р. б/н. Бошланғич баҳоси – 925 430 сўм. 27. № 4155/11-сонли ижро ҳужжатига асосан "Газ-24", д/р. 11 К 4236. Бошланғич баҳоси – 1 303 061 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота туман, "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. 28. № 13935/10-сонли ижро ҳужжатига асосан "Газ 2410", д/р. 10 ў 4630. Бошланғич баҳоси – 856 001 сўм. Тошкент вилояти, Зангиота туман, "Зеромиллер" МЧЖ омборхонасида сақланмоқда. Бектемир тумани СИБ томонидан: 29. 22.10.2012 й. № 8881/3-сонли ижро ҳужжатига асосан "Ласетти", д/р. 01 К 750 ўА. Бошланғич баҳоси – 34 200 000 сўм. Паркент тумани СИБ томонидан: 30. 06.10.2010 й. № 1-349 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й.и/ч "Газ 5204", д/р. 10 А 786 ВА. Бошланғич баҳоси – 2 356 435,80 сўм. 31. 10.09.2012 й. № 01-194 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й.и/ч "Луаз 969", д/р. 11 N 3737. Бошланғич баҳоси – 868 587,30 сўм. 32. 21.09.2012 й. № 104/12/6028 – сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й.и/ч "Ваз 21061", д/р. 01 W 937 FA. Бошланғич баҳоси – 3 420 229 сўм. Паркент тумани ХАТП 23-сонли автогаражда сақланмоқда. Пискент тумани СИБ томонидан: 33. 24.12.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 1984 й.и/ч "Камаз 5320", д/р. 11 Z 9600. Бошланғич баҳоси – 3 264 377,88 сўм. Пискент тумани "Бунёдкор" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 22 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан: 34. 26.09.2011 й. ижро ҳужжатига асосан 2002 й.и/ч "Нексия Сонс", д/р. 10 J 772 ВА. Бошланғич баҳоси – 16 302 000 сўм. "Олмалиқ шаҳар савдо" МЧЖда сақланмоқда. 35. 19.12.2011 й. № 1-553-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й.и/ч "Газ 3110", д/р. 10 G 155 СА. Бошланғич баҳоси – 3 515 000 сўм. Бўка тумани СИБ томонидан 36. 15.10.2012 й. № 10602/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 2003 й.и/ч "Кейс 2366", д/р. 14 64 ER. Бошланғич баҳоси – 119 494 000 сўм. 37. 15.10.2012 й. № 10602/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й.и/ч "Клаас Доминатор", д/р. 23 95 ЕЛ. Бошланғич баҳоси – 121 689 000 сўм. 38. 15.10.2012 й. № 10602/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и/ч "Клаас Доминатор", д/р. 45 65 ТН. Бошланғич баҳоси – 124 524 000 сўм. Бўка тумани МТП ОАЖда сақланмоқда. Зангиота тумани СИБ томонидан 39. № 1422-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й.и/ч "Ласетти", д/р. 01 Q 344 GA. Бошланғич баҳоси – 32 355 000 сўм. Зангиота тумани "Кўктерак Матлуботсавдо Инвест" МЧЖда сақланмоқда. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 40. 24.01.2013 й. № 244-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й.и/ч "Нексия", д/р. 10 906 ДАА. Бошланғич баҳоси – 17 350 000 сўм. 41. 24.01.2013 й. № 243-сонли ижро ҳужжатига асосан "Ваз 21093", д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 7 360 000 сўм. 42. 24.01.2013 й. № 243-сонли ижро ҳужжатига асосан "Дамас", д/р. 10 О 448 ЕА. Бошланғич баҳоси – 18 050 000 сўм. 43. 24.01.2013 й. № 243-сонли ижро ҳужжатига асосан "Ваз 21074", д/р. 10 К 686 FA. Бошланғич баҳоси – 12 560 000 сўм. "Бекобод Савдо" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 8 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 8 апрель куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 22 апрель куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004887305001, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Тел.: 577-22-12.

**Гувоҳнома № 004593.**

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

"Ўзбекистон Металлургия комбинати" ОАЖ томонидан Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, Сирдарё кўчаси манзилида сақланаётган, "Ўзбекистон Металлургия комбинати" ОАЖга тегишли: 1. 1993 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами: 3086310, кузов рақами: № ХТА210610R3165740, давлат рақами: 10 878 ВАА бўлган, "ВАЗ-21063-СПГ". Бошланғич баҳоси – 2 629 390 сўм; 2. 1993 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами: 08596693, шасси рақами: № 212108, давлат рақами: 10 641 НАА бўлган, "Шевроле Астро". Бошланғич баҳоси – 5 133 660 сўм; 3. 1996 йилда ишлаб чиқарилган, авария ҳолатдаги, двигатель рақами: 25152240, кузов рақами: № KLAJA19W1TV442478, давлат рақами: 10 410 QAA бўлган, "Эсперо-77". Бошланғич баҳоси – 4 183 560 сўм; автортранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2013 йил 9 апрель куни соат 11:00 да бошлаб ўтказилади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 9 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2013 йил 19 ва 23 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "REAL AUKSION" МЧЖнинг ХЁАТБ "HI-TECH BANK"идаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904996600001, МФО 01066, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

**Гувоҳнома № 006795.**

**"KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Савдога такроран Янгийўл туман СИБ томонидан, Тошкент вилоят хўжалик судининг 2012 йил 12 июндаги 11-1224/4591-сонли ижро варақасига асосан, "ФАРАЗ ЛТД" қўшма корхонасига тегишли Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Р. Назирова кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3523,35 кв.м. бўлган таъмирталаб, қаровсиз ҳолда қолган маъмурий бино, 2 та омборхона, бостирма, қоровулхонадан иборат кўчмас мулк бино-иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 397 482 147 сўм.

Савдо 2013 йил 27 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 25 март куни соат 18:00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "КМСХ" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.1kms.uz.

**Лицензия: RR-0001.**




Сергели тумани ТСРЎИ томонидан 21.01.2012 йилда гувоҳнома рақами № 003640 билан рўйхатга олинган "NIHOL TRANS SERVIS" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

"DELUXE PRINTERY" МЧЖга (ИНН 206964531) тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

**"Respublika mulk markazi" ЁАЖ Toshkent mintaqaviy filiali бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонасининг 26.02.2013 йилдаги 41-сонли буйруғи ва 01.03.2013 йилдаги 013-173-сонли хатига асосан, Тошкент вилояти Ангрен шаҳар "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонасига тегишли Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Лебедкова кўчаси, 43-уй манзилида сақланаётган "ЗИЛ ММЗ 554" русумли, д/р 11AD243 бўлган 1993 йилда и/ч., носоз ҳолдаги автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 875 000 сўм.

Савдо 2013 йил 8 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 5 апрель куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2013 йил 8 апрель куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2013 йил 15, 22, 29 апрель кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 15 апрелдаги савдо учун 2013 йил 12 апрель куни соат 18:00, 22 апрелдаги савдо учун 19 апрель куни соат 18:00, 29 апрелдаги савдо учун 26 апрель куни соат 18:00.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги: 20210000300571452142, МФО 01036, СТИР 200933850 га тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент ш., Амир Темур шоҳкўчаси, 19-уй. Тел.: 233-28-52.

**Гувоҳнома: 006231. www.rmm.uz.**

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ



Республика гидрометеорология марказининг хабар беришича, 8 март куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 3-5 даража совуқ, кундузи 1 даража совуқ, 1 даража илиқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 2-7 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ, 3 даража илиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қор ёғади. Қор кўчиши хавфи бор. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда эсаётган шамол баъзи жойларда кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 7-12, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

**ЎзА.**

# СИЗЛАРНИ ОФТОБГА АЛИШМАЙМАН...



"Аёлларни мукаммал тутинглар", "Баҳор ойининг бир куни аёллар ийди – байрами қилиб белгилаб қўйилсин". (Авесто). "Аллоҳнинг наздида эркак билан аёлнинг шарафи бирдир" (Қуръони Карим). "Қиз туғилган хонадонга Аллоҳнинг нури ва раҳмати

(Давоми. Боши 1-бетда).

ёғилади". "Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим" (Амир Темур). Буюк инсонларнинг шундай бетакрор эҳтиромларига сазовор бўлган, авлодлар давомийлигини таъминловчи аёлларнинг қадрига етмаслик, шаъни, нуфузи ва азизлигини билмаслик – дунёнинг энг гўзал сир-синоатидан бебаҳра бўлиш демакдир.

Ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимай, ҳаётга шукроналик, сабр-тоқат билан ўз елкасида кўтариб келаётган, айниқса бугунги кунда ўта долзарб бўлиб бораётган тарбиявий муаммоларнинг ечимини ҳал этишда чидам ва собитқадамлик кўрсатаётган аёлларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, мавқеи ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг турли жабҳа ва йўналишларда қилаётган хайрли ишларини муносиб баҳолаш, иззат-икромини жойига қўйиш, оиладаги юмушларини енгиллаштириш масалаларининг Мустақиллик йилларида давлат сиёсати даражасига кўтарилиши аёлларга бўлган чексиз ғамхўрлик ва эҳтиромнинг олий даражадаги намунасидир.

Аёлни улуғламоқ – оила, Ватан ва ҳаётни улуғлаш билан тенг экан, у барча хайрли ва эзгу ишларимизнинг бош мезони бўлиб қолаверади. Зангиота туманида ўз қадрқимматини чуқур ҳис этган, бой маънавий дунёсини намоён этиб, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва кундалик турмушда муносиб ўрин эгаллаган бундай аёллар бисёр. Навоий номли маҳалладан Нигора Аҳмедова – тиббиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент тиббиёт академиясида кафедра мудири. Дилфуза Ёрмуҳамедова ҳам тиббиёт фанлари номзоди, шу академиянинг катта ўқитувчиси. Гулмира Юсупова – иқтисод фанлари номзоди, Ломоносов номли университет профессори. Латофат Тошмуҳамедова – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Миллий университетида кафедра мудири.

Ҳаётимиз чироғи, умримиз мазмуни бўлган барча аёлларимизни эъзозлаш халқимиз, миллатимиз учун энг олий қадрият даражасига кўтарилгани қалбларимизга ҳамиша қувонч бахш этади.

*Сизлар борсиз, ҳаёт*
*деган маъво бор,*
*Сизлар борсиз,*
*сўзимизда маъно бор.*
*Сизлар борсиз, минг бир*
*дардга даво бор,*
*Мен офтобга*
*алишмаган аёллар.*

**Эркин ҒУЛОМОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.**




## САМОЛЁТ ТАЛАШ БЎЛИБ КЕТДИ

**Марказий Англиядаги Нортгемптоншир графлиги полицияси машҳур интернет-аукционда енгил моторли самолётни анча баланд нархда пуллади.**

Ушбу самолётнинг интернетга қизиқувчилар ўртасида катта шов-шувга сабаб бўлгани бежиз эмас. Чунки, у илгари наркодилерлардан тортиб олиниб, мусодара қилинган эди. Канада фирмаларидан бирида ишлаб чиқарилган ушбу енгил моторли самолёт 17 минг фунт (26 минг доллар)га сотилгани ҳақида маълумот тарқатди Press Association.

Полиция маълумотларида келтирилишича, гиёҳванд моддалар билан шуғулланувчи жиноятчилар кокаин моддасини Франциядан Буюк Британияга айнан шу самолётда келтиришарди. Шунинг учун ҳам у талаш бўлиб кетди. Ваҳоланки, ИТАР-ТАССнинг маълум қилишича, аукциончилар "самолёт жиддий таъмирга муҳтож" экани ҳақида олдиндан огоҳлантирган эдилар.

## АҚШДА КУЧЛИ ҚОР БЎРОНИ



**Яқинлашиб келаётган кучли қор бўрони сабабли АҚШ пойтахтидаги аэропортларда юзлаб авиарейслар бекор қилинди.**

Хусусан, Американинг жанубий қирғоқларида кучли қор туфайли 900 дан зиёд авиарейслар тўхтатилди. Уларнинг кўпи Вашингтондаги Даллес ҳамда Рейган номларидаги аэропортларга у ёки бу даражада тааллуқлидир.

Миллий об-ҳаво хизматининг огоҳлантиришига мувофиқ эълон қилинган ҳудудларда 20 сантиметр қалинликда қор ёғиши мумкин. Шу билан бирга соатига 50 километр тезликда эсадиган кучли шамол ҳам вазиятни янада мураккаблаштириши эҳтимоли бор.

"Кучли қор бўрони автомобилларда юриш хавфини кескин ошириши мумкин, – дейилади синоптикларнинг огоҳлантирувчи маълумотида. – Шу боис, биз фақат ўта зарурат туғилгандагина машина ҳайдаш кераклигини тавсия этамиз". Шунингдек, синоптиклар ҳайдовчиларга озиқ-овқат ва сув захирасига эга бўлишни тавсия этишди.

## БЕЛЬГИЯДА ҚУЛУПНАЙ НЕЧА ПУЛ?

**HD.be агентлигининг хабарига қараганда, Бельгиядаги қулупнай аукционида 2013 йилнинг илк ҳосили кимошди савдосига қўйиб сотилди.**

Дастлабки 2 килограмм қулупнайни харидор 4 минг еврога сотиб олди. Ушбу биринчи харидор Carrefour Belgique компаниясининг вакили эди. Ўтган йили ҳам дастлабки ҳосил ушбу аукционда шундай нархда сотилган эди.

Энди анъанага мувофиқ, аукцион ташкилотчилари ушбу савдодан тушган пулни икки баравар кўпайтиришади. Ҳосил бўлган 8 минг доллар хайрия мақсадларига сарфлаш учун берилади. Бу йилги пулни Альцгеймер касаллигига қарши кураш фонди қабул қилиб олди.

Маълумот учун айтиш жоизки, 2012 йилда ўтказилган шундай қулупнай савдоси жараёнларида жами 31 миллион килограммга яқин маҳсулот сотилган эди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Bolalik bog`i



### LOLAQIZG`ALDOQ

Hali maktabni bitirmagan, o`smirlik chog`larim edi. "Bugun onajonimning bayrami. Nima sovg`a qilsam ekan?" deb xayolga cho`mib o`tirgandim, akam kirib qoldilar:

– Ha, ukajon, nimadandir bezovtamisan?

– Bugun onajonimizning bayrami-ku! Unutdingizmi?

– Ha-ya, ukajon. Omon bo`lgur, yaxshi esimga solding. Xo`sh, nima qilamiz?

– Esingizdami, avvalgi bayramda ikkimiz Xonimtepaga chiqqan edik. Bir dasta lolaqizg`aldoq terib kelib, sovg`a qilgandik. O`shanda onajonimiz rosa xursand bo`lgandilar, – dedim.

– Albatta esimda. Uni qandoq unutaman. Axir lolaqizg`aldoq teramiz deb rosa yomg`irda bo`kkandik. Ana, hozir ham tashqarida yomg`ir yog`yapti. Bugun Xonimtepaga chiqib bo`lmaydi.

– Eh-a, bo`ldi, topdim, – quvonganimdan baqirib yubordim.

– Obbo, ukajonim-ey, bu gal nimani o`ylab topding?

– Bilasizmi, kecha maktabdan chiqib, daftar olgani qishloq do`koniga kirgandim. Voy, u yerdagi chiroyli gullarni... Lola deysizmi, atirgul deysizmi... Hamma-hammasidan bor.

– Yashavor ukajon, bu zo`r gap bo`ldi.

Akamning chehrasi yorishdi. Xursand bo`lganidan peshonamdan o`pib qo`ydi.

Dadam har kuni maktabga ketayotganimda: "Qorning ochiqsa, ul-bul olib yersan" deb cho`ntagimga pul solib qo`yardi. O`sha puldan oz-ozdan orttirib, yig`ib yurgandim. Olib sanasam, ancha-muncha yig`ilib qolibdi. Akam ham biroz pul to`plab qo`ygan ekan. Bayram kuni aka-uka qishloq do`koniga chiqdik. Turfa gullar orasidan onamiz yoqtirgan lolaqizg`aldoqni tanladik. Undan katta chiroyli guldasta tayyorlatdik. Keyin onajonimni bayram bilan tabriklab, guldastani qo`llariga tutqazdik. Chiroyli sovg`adan onajonimning quvonchi ichiga sig`may ketdi.

...Bugun onajonimning bayrami. "Nima qilsam ekan" deb bosh qotirib yurmayman endi. Nima olishni yaxshi bilaman. Chunki, mehribonginam hamon lolaqizg`aldoqni yaxshi ko`radilar.

**Latifjon MANSUROV.**

## Ён дафтардаги битиклар

Журналист бисотидаги энг кўп нарса ён дафтарлар бўлса керак. Уларни варақларкансиз, турли хизмат сафарлари, учрашувлар, расмий ва норасмий тадбирлар, мулоқотлар тафсилотлари хотирада қайта тикланади. Бу қайдларнинг қанчаси газетадаги мақолаларда ўз аксини топган. Ишлатилмай қолганлари ҳам бир дунё. Назардан четда қолган ана шундай ёзувлардан бири – Германия сафари чоғида немис ҳамкасбим сўзлаб берган ривоят экан. У аёлнинг яратилиши ҳақидаги эътиқодий тасаввуримиздан батамом фарқ қилса-да моҳиятан ибратомуз кўринди. Ўзингиз бир ўқиб кўринг.

"Тангри аёлни яратаётган пайтда олтинчи кун кечгача ишдан бош кўтармади. Буни кўрган фаришта сўради:

– Нима учун бу ишга шунчалар кўп вақт сарфлаяпсан?

Тангри жавоб берди:

– Уни қандай мураккаб яратаётганимни кўраяпсанми? У ювиниб туриши керак, аммо пластмассадан эмас, 200 дан ортиқ ҳаракатланувчи аъзолари бор, бари алмашинувчан, у ҳар қандай егуликка қаноат қилиб ишлайверади, бир неча болани бағрига сиғдиришга қодир, лат еган тиззадан пора бўлган юраккача – барини ўз меҳри билан даволайди ва буларнинг ҳаммасини ўзига ато этилган бир жуфт қўл билан амалга оширади.

Фаришта лол қолди.

– Бир жуфт қўл билан-а... астағфурилло! Андозаси жуда мураккаб эмасми?! Ҳали иши анча кўп экан... қўй энди, эртага битирарсан.

– Йўқ, – деди Тангри. – Яратганларим ичида мен учун энг ардоқлиси бўладиган бу мавжудотни яратишни тугаллашимга оз қолди. У касал бўлиб қолса, ўзи оёққа туради, кунига 18 соат ишлаб, чарчамайди.

Фаришта яқинроқ келиб, аёлга тегиниб кўрди.

– Аммо, Раббим, у жуда

# ЭНГ АРДОҚЛИ МЎЪЖИЗА



нозик-ку.

– Ҳа, у нозик, – деди Тангри, – бироқ шу билан бирга ўта кучли. У қанчалар бардошли ва матонатли эканини тасаввур ҳам қилолмайсан.

– У фикрлай оладими? – сўради фаришта.

Тангри жавоб берди:

– У нафақат фикрлай олади, балки гапини тушунтириб, ишонтиради ҳам.

Фаришта аёлнинг ёноғини ушлаб кўрди...

– Ё Раббим, бу мавжудотнинг суви оқаяпти! Сен унинг зиммасига ҳаддан зиёд оғирликлар юкладинг чоғи.

– Бу оддий сув эмас... кўзёшлари, – фариштага тушунтирди Тангри.

– Бу нимага керак? – сўради фаришта.

Тангри деди:

– Кўзёшлари билан у дарду аламини, шубҳаларини, муҳаббатини, ёлғизлигини, азоб-у қувончини ифода этади.

Бу жавоб фариштани ўта ҳайратга солди:

– Раббим, имкон ва қудратингнинг чеки йўқ. Барини пухта ўйлагансан. Аёл чиндан ҳам мукаммал мавжудот.

Ҳақиқатан шундай!

Аёлда эркакни ажаблантирувчи куч бор, ҳар қандай ғамни енгиб, турмуш азобларига чидайди. У бахт, муҳаббат ва садоқат тимсоли. Доддлагиси келганда жилмаяди, йиғлагиси келганда қўшиқ айтади. Бахтиёр пайтида кўзига ёш олади, қўрққанида кулади. Ўз эътиқоди учун курашади. Ноҳақликка қарши бош кўтаради. Тузукроқ ечими бор нарсанинг рад этилишини қабул қилмайди. Ўзини буткул оилага бағишлайди. Чўчиётган дугонасини шифокор ёнига етаклаб боради. Ҳеч қандай шартларсиз севади. Ўз болалари учун қувонч кўзёшлари тўкади. Дўстлари муваффақиятидан қувонади. Фарзандлар туғилса, турмуш қуришса шодланади. Яқинлари ва дўстлари вафот этса юраги пора-пора бўлади, аммо яшашда давом этишга ўзида куч топади. Ўз бўсаси ва қучоғи билан ҳар қандай шикаста юракка малҳам бўла олади.

Аёлнинг фақат биргина камчилиги бор: у ўз қадрини унутиб қўяди.

Ўзларининг қанчалар ажойиб эканликларини эслатиб қўйиш учун бу гапларни аёлларга айтиб туриш керак...

Бундан эркаклар ҳам бохабар бўлгани дуруст. Баъзан бу гапларни уларга ҳам эслатиб туриш керак...!!!"

**Тўнғич БЕК.**


# ТАДБИРКОРЛАР, ҲУНАРМАНД ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИГА

*Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилаётган **«Ташаббус – 2013»** кўрик-танловининг вилоят босқичи 23 март куни соат 10 да Қумовулдаги Вилоят маданият ва маърифат марказида бўлиб ўтади.*

**«ТАШАББУС»га марҳамат!**

***Ташкилий қўмита.***


## Қилмиш-қидирмиш

# БОТМОНЛАБ ЕГАН ЙИЛЛАБ ҚУСАДИ

Бугун юртимизда барча соҳалар қатори кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор қаратилмоқда. Соҳа вакилларининг ҳар тарафлама ривожланишлари учун барча ҳуқуқий асослар яратилиб, зарур шарт-шароит ва имкониятлар эшиги очиб берилмоқда. Аммо шунга қарамай, айрим кимсалар давлатга тўланадиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қочиб, қонунбузарликларга қўл уришмоқда. Уларнинг бундай ҳаракатлари эса бошқа қинғирликларга йўл очиб бераяпти. Жиноят ишлари бўйича Оққўрғон тумани судида кўрилган иш бу фикримизга яққол далилдир.

Судланувчи Фикрат Норхўжаев олий маълумотли, икки фарзанди бор. Муқаддам судланмаган. Нима жин урди-ю, топганига қаноат қилмай, ўзгалар қўлига қарайдиган, таъмагирлик қиладиган одат чиқарди. Бу таъмагирлик ҳам ўз-ўзидан эмас. Аксинча, ҳамкасбларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларини яшириш, уларни юқори ташкилотларга "чақмаслик" учун қилинган эди.

Асли касби транспортчи бўлган Ф. Норхўжаев "Тошвилтранстерминал" уюшмасига қарашли "Тошкент вилояти бош бекатлари ва йўловчи-юк бекатлари" ишлаб чиқариш давлат унитар корхонасида автошоҳбекатлар, автомобиль бекатлари ва касса шохобчалари фаолияти бўйича етакчи менежер вазифасида бинойидек ишлаб келаётганди. Ҳудудлар бўйича 4 та яъни "Жанубий вокзал", "ТТЗ", "Ўзгариш", "Гулбаҳор қўрғони" бекатларида чипта сотилиши унинг назоратида эди. "Топари" ҳам эл қатори, ҳар ҳолда болачақасининг қорни тўқ, усти бут эди. Энг асосийси – ўзи кўнгилхотиржамликда ишларди. Шайтон йўлдан урдими ёки нафси ғолиблик қилдими, ҳар ҳолда бировларга қўл чўзадиган бўлди. Яъни, ҳеч қандай ҳужжат ва рухсатномаларсиз йўловчи ташиш ноқонуний ҳисобланишини билгани ҳолда шу тарзда ишлаётганлардан пул талаб қилишни бошлади. Хусусан, Тошкент шаҳрининг "Ўзгариш" автобекатидан Қуйи Чирчиқ туманига ўзининг автомобилида ноқонуний қатновчи Азим Норматовни транспорт соҳасига тааллуқли юқори ташкилотлар билан қўрқитиб, ҳар ойда 50 минг сўмдан беришини талаб қилди. Ўзининг ноқонуний юрганини билган Азим Норматов унинг бу талабини ўзи хоҳладими ёки йўқ, ҳар ҳолда қабул қилди. У 2008 йил давомида 600 минг сўм пулни Фикратга қўшқўллаб топширди.

Ф. Норхўжаевнинг иштаҳаси янада катталашди. У энди 2009 йил давомида ҳар ойда 80 минг сўмдан олишини "мижози"га етказиб, йил давомида 960 минг сўмни қуртдек санаб олди. Агар Азим Норматов эътироз билдиргудек бўлса, Фикрат Транспорт департаменти ёки йўл ҳаракати хавфсизлигига билдирги бериб, уни жазолатиши мумкинлигини рўкач қиларди.



2010 йилга келиб, Фикратнинг "ставка"си яна ошди. Энди у ҳар ойда 100 минг сўмни кўрмадим деб ютиб юборадиган бўлди.

Ўтган йиллар мобайнида Фикрат Норхўжаев Азим Норматовдан жами 3 миллион 960 минг сўм пул олган.

Қурбақани ҳам боссанг "вақ" дейди. Ф. Норхўжаевнинг таъмагирлиги Азим Норматовнинг жонини ҳалқумига келтирди.

Шундан кейин у бўлиб ўтган ишлар ва Фикратнинг навбатдаги найрангидан қутулиш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент вилоят бошқармасига мурожаат қилди.

Албатта, ҳар бир йўлнинг охири, ҳар бир қилмишнинг оқибати бор. 2012 йилнинг 19 июнь куни вилоят прокуратураси ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати вилоят бошқармаси ўтказган тезкор тадбир бу машмашаларга барҳам берди. Тадбир давомида Ф. Норхўжаев Азим Норматовдан навбатдаги 300 минг сўм "ҳақи"ни олаётганда тезкор гуруҳ уни қўлга олди.

Фикрат ҳарчанд ўзини оқлашга ҳаракат қилмасин, ғишт қолипдан кўчганди. Унинг ишлов берилган пулларга тушган бармоқ излари воқеликка гувоҳлик бериб турарди.

Халқимизда яхши бўлсанг ошингни, ёмон бўлсанг бошингни ейсан деган нақл бекорга айтилмаган. Ф. Норхўжаевга суд томонидан белгиланган 10 йиллик қамоқ жазоси зора унинг ақлини жойига келтириб қўйса.

Қолаверса, бу ўринда биз Азим Норматовни ҳам оқлаш фикридан йироқмиз. Агар у тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтиб, рухсатнома ва лицензия варақалари билан йўловчи ташиганида бундай кўнгилсизликлару шунча машмашаларга ўрин қолмасди.

Фикрат Норхўжаев ҳам Азимнинг шундай ноқонуний ишлаётганини кўриб, нафсига эрк бериш ўрнига унга қонуний ишлаш йўлйўриқларини кўрсатганида, кўмак берганида балки бугун панжара ортида ўтирмасмиди?

**Ёрқин ТОЕВ.**

## Бу – қизиқ

### ХАВФЛИ ЧОРШАНБА

– Тиғиз ўтган шанба ва якшанба charчоқлари аёллар чеҳрасида чоршанба куннинг иккинчи ярмида яққол намоён бўлади, – дейишмоқда инглиз мутахассислари.

Худди шу вақтга келиб, ишдаги қаттиқ асабланиш ҳолати юқори даражага кўтарилади, куч-қувват сусаяди. Шу сабабли, айнан чоршанбада аёллар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилишни маслаҳат беришмоқда.

### МАЗАЛИ ВА ШИФОБАХШ

АҚШда грипдан даволовчи музқаймоқ ихтиро қилинди. Мазали ширинлик таркибида асал, пектин, занжабил, апельсин ва лимон шарбатлари мавжуд. Шунингдек, музқаймоққа қиздирувчи хусусиятга эга чучук қалампир қўшилган бўлиб, у бурун битишини очади, нафасни енгиллаштиради.

Грипдан халос этувчи бундай шифобахш музқаймоқни февраль ва март ойлари (касаллик авж оладиган палла)да сотувга чиқариш режалаштирилмоқда. Инжиқлик қилиб, дори ичишни хоҳламайдиган болалар томоқлари оғриб қолишидан чўчимай, ушбу музқаймоқни маза қилиб еб, грипдан даволанишлари мумкин.

## Рассом хандаси




Изоҳга ҳожат йўқ.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс). |
| Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: | 233-12-83, 233-48-08. |
| Шартнома ва эълонлар: | 236-55-54. |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10. |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6612. Адади 16 677. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.10.